

# ЯНГИ

# ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 240 (1301), 2024 йил 26 ноябрь, сешанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official

## АВТОМОБИЛЬ СANOАТИДА ЭЛЕКТРОМОБИЛЛАР УЛУШINI КЕНГАЙТИРИШ КЎЗДА ТУТИЛГАН

**Президент Шавкат Мирзиёевга  
автомобиль саноатида  
қилинаётган ишлар ва 2025 йилга  
мўлжалланган режалар ҳақида  
ахборот берилди.**

Мамлакатимиз саноатида автомобиль соҳасидаги ишларнинг 10 фоизини ташкил этади. Утган ўн ойда 338 мингта энгил автомобиль ишлаб чиқарилган. 1 минг 400 турдаги бутловчи қисмлар маҳаллийлаштирилган. Иқтисодий чоралар натижасида соҳада таннарх 4 фоиз камайган. Экспорт 455 миллион доллар бўлган.

“Ўзавтосаноат” акциядорлик жамияти раиси олдидagi режалар ва вазифалар юзасидан ахборот берди.

Келаси йил 450 мингта автомобиль ишлаб чиқариш ва экспортни 700 миллион долларга етказиш мақсад қилинган. Худудий корхоналар билан кооперацияни кучайтириш, маҳаллийлаштиришни ошириш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилган. Хусусан, 700 та детални ўзлаштириш бўйича 325 миллион долларлик 63 та лойиҳа амалга оширилади.

Маълумки, Жиззахда “BYD” компанияси билан ҳамкорликда электромобиль заводи барпо этилган. Ҳозирда у ерда Chazot ва Song Plus Champion каби машиналар ишлаб чиқарилмоқда. Келгуси йилларда моделлар қаторини кенгайтириш режалаштирилган. Қиймати 300 миллион долларлик иккинчи босқичда электромобиллар сонини йилга 200 минг донага, учинчи босқичда 500 минг донага етказиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари хитойлик ҳамкорлар билан келишиб, қўшимча қувватларни қуриш, электромобиллар учун бутловчи ва эҳтиёт қисмларини изчил ўзлаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Кооперация асосида маҳаллий корхоналарга буюртмаларни шакллантириш вазифаси қўйилди.

ЎЗА

## АҲОЛИНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ЭНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

**Президент Шавкат Мирзиёев 25 ноябрь куни озиқ-овқат  
хавфсизлигини таъминлаш, пахта ва ғалла ҳосилдорлигини  
ошириш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди.**

Давлатимиз раҳбари яқинда бўлиб ўтган парламент мажлисидаги нутқида аҳоли сони кўпайиб бораётган ҳозирги шароитда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг долзарб вазифа эканини таъкидлади.

Ҳақиқатан, юртимиз аҳолиси йилига қарийб 1 миллион нафарга ўсиб борапти. Ер ва сув манбалари эса чекланган. Шу боис, ички бозор барқарорлигини омилкорлик ва ҳосилдорлик орқали таъминлаш мумкин.

Тақдиротда қишлоқ хўжалиги вазири шу борадаги режаларни баён этди.

Келгуси йил 4 миллион 800 минг гектарда экинлар етиштириш мўлжалланган. Шундан 2 миллион гектардан зиёд ерда мева-сабзавот, картошка, дук-какли ва полиз маҳсулотлари экилади. Уларнинг даладарда жойлаштирилиши ва ҳосилнинг захирага жамланishi мониторинг қилиб борилади.

Хусусан, аҳолига бирламчи зарур бўлган 10 турдаги асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг тизимли ҳисоб-китоби юритилади. Бунда ҳар бир туман кесимида қандай маҳсулот етиштирилиши ва ички бозор учун қанча захира қилиниши муржаб бўлади.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан 260 минг гектар ер 800 миң аҳолига деҳқончилик қилиш учун бўлиб берилган эди. Шунингдек, Сайхунобод таърибаси асосида томорқаларда маҳсулот етиштириш қўллаб-қувватланмоқда. Бу одамларни, айниқса, ешларни иш ўрни ва даромад билан таъминлашда тўғри йўл бўлганини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Шунингдек, бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўп етиштирилиб, уларнинг нархи кескин ошиб кетмаслигида муҳим омил бўлди.

Энди бу ишларнинг сифатини ошириб, ажратилган ерлар ва томорқалардан унумли фойдаланиш,

аҳолига илмий ва амалий жиҳатдан қўмаклашиш зарур. Бундан ташқари, туманларнинг ўзи қишлоқ хўжалигига грант ва техник қўмаклар жалб этиши, илгор технологияларни қўллаши талаб этилади.

Давлатимиз раҳбари хорижий таърибани ўрганиб, картошкачилик тизимини такомиллаштириш ва ҳосилдорлигини ошириш зарурлигини таъкидлади.

Утган йилги қишда 9 минг гектар боғ ва 4 минг гектар узумзорни совуқ урган эди. Оқибатда 207 минг тонна ҳосил нобуд бўлди.

Президентимиз бундай об-ҳаво шароитларида деҳқонлар кўрган зарарининг олдини олиш бўйича топширик берган эди. Шунга мувофиқ, хорижий мутахассислар билан бирга “Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унинг қабул қилиниши деҳқон ва фермерларнинг иқтисодий Ҳимосини таъминлайди.

Пахтачиликда хорижий навларни экиннинг натижадорлиги таҳлил қилинди.

Давлатимиз раҳбари бу борада кластер, фермер ва саноат корхоналари фикрини ўрганиб, масалага илмий ёндашиш, фермерларни илгор агротехнологияларга ўқитиш муҳимлигини таъкидлади. Замонавий пахта териш машинаси ва аҳоли томорқалари учун кичик агротехникалар ишлаб чиқариш бўйича топшириқлар берилди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида барча худудларда дарахтзорлар барпо этилмоқда. Шундай боғлар атрофи ҳамда дала четларида одамларга манфаат келтирадиган экинлар етиштириш мумкинлиги айтилди.

Тақдиротда вилоят ва туманларда қишлоқ хўжалиги соҳасида бошқарув тизимини ислоҳ қилишга оид таклифлар ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗА



## ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК: “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” ГАЗЕТАСИ ВА САЙТИНИ

### ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИҢГ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ғамхўрлиги ва алоҳида эътибори билан Қорақалпоғистон Республикасида мисли кўрилмаган катта тарихий ўзгаришлар бўлмоқда.

Бугунги замон руҳи ва шиддати, Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган низоҳатда кенг қўлланли ислохотлар мазмун-моҳияти, мақсади, аввало, халқимизнинг бугунги ҳаётини турмушига эришишига, юртдошларимиз турмуши фаровонлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ҳаётимиздаги бу каби янгиланишлар энг олис худудларимизда ҳам бўй кўрсатаётгани барчамизга яхши маълум, албатта.

Бу борадаги янгиланишлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка, кўп миллатли халқимизга етказиш эса бугунги давр журналистикаси, хусусан, “Янги Ўзбекистон” газетаси, тахририятимизнинг расмий www.yuz.uz сайти олдидаги бош вазифамиз деб биламиз.

Шу мақсадда бугундан эътиборан, “Янги Ўзбекистон” газетаси тахририяти жамоаси гоят эзгу ташаббусни амалиётга қўллаб бошлади. Эндиликда “Янги Ўзбекистон” газетасидаги долзарб, таҳлилий, маърифий, публицистик мақола-

ларни қорақалпоқ тилида ҳам ўқишиниз мумкин бўлади.

Бунинг учун сиз газетамизда чоп этилган мақолалардаги QR-кодни сканер қиласиз ва шу орқали www.yuz.uz сайтига ўтиб, мақоланинг электрон шаклини қорақалпоқ тилида ўқисиз.

### ЯНА БИР ЯНГИЛИК

Давлатимиз раҳбари доим таъкидлаб келаятигани — миллий контентни яратиш ва уни халқимиз орасида кенг тарғиб қилиш, ўз навбатида, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар мазмундорлигини таъсирчан воситалар орқали жамоатчиликка етказиш мақсадида www.yuz.uz сайтининг қорақалпоқ тилидаги версияси ишга туширилди.

Энди сизда куннинг долзарб янгиланишлари, мамлакатимиз ҳаётига доир ва халқаро миқёсдаги хабарлар, юртимизда амалга оширилаётган катта ислохотларнинг баътафсил шарҳи билан www.yuz.uz сайтида қорақалпоқ тилида ҳам танишиб бориш имкони бор.

Қорақалпоқ тилидаги мутолаа завқи барчамизга қутлуғ бўлсин, оғизбирчиликмига кўз тегмасин, азиз муштарийлар!

## ПРЕЗИДЕНТ ДАРАХТ ЭКМОҚДА...



Тошкентнинг иккинчи белбоғи дейилмиш Катта халқа йўлидан келаятиган Президент кортежи ғувиллаб келиб тўхтади. Очиқ ҳаво, чарақлаб турган қуёш ва давлат раҳбарини кутиб турган юзлаб юртдошларимиз чехраларидаги қувонч ўзгача рух, ўзгача шуқуқ бағишлаб тургандек эди чароғон кунга. Президентимиз машинадан тушибок, тўғридаги шийпон томон шаҳдам қадам ташлади. Ҳамюртлар билан самимий саломлашиш асносида бу гал шийпонга ёки қайсидир янги корхона, қайсидир йиғилиш минбари, маҳалла ёҳуд кластер хузурига эмас, тўғри далага бурилди. Қўлига белкурак олиб, дарахт экишга киришди. Синчков одам белкурак ушлашданок Президентнинг, энг аввало, оддий инсон экани, қишлоқда туғилгани, дашту даладарда ўсиб улғайганини дарров фаҳмлайди. Президент чин боғбон сингари ёш ниҳолнинг нозик илдизига тупроқ торта бошлади.

лару снарядларга кетаётган миллиард-миллиард маблағларни ўз фуқароларининг фаровонлигига сарфласа бўлмайди бу кўрнамаклар?! Дунё қачон халос бўлади тинчлик қассобларидан? Вайронкорлик, жонхўрлик қилиш ўрнига дарахт экса бўларкан-ку, ахир!

### Президент дарахт экмоқда...

Тасодиф ёки кўз-кўз қилиш учун эмас, бузғунчиларга, босқинчиларга, табиат ёвузларига қарши исён сифатида ниҳол ўтқазяпти муштипар замин кучоғига. Уч йилдан ошди Президент томонидан “Яшил макон” умуммиллий ҳаракати бошланганига. Лойиҳа чинакам халқ ҳаракатига айланди. Аввалги йилларда Янги Тошкент, Сергели, Чилонзор туманларида бўлган кўчат экишда давлатимиз раҳбарининг ўзи бош-қош бўлган эди. Шундан сўнг қишлоқ ва шаҳарларда, йўл ёқаларида ниҳолларда миллион туллаб дарахт ва гул кўчати экилди.

Олий Мажлис палаталарининг ўтган ҳафта бўлиб ўтган уч кунлик йиғилишлари адоғида эса давлатимиз раҳбари 2025 йилни “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилди. Муқаддас заминда ободлик бўлсин, боғлар кўпайсин, гуллар барғида чанг-ғубор бўлмасин, анҳорлар, дарёлар суви мусабфо бўлсин, қишлоқлар, даладар, қиру адириллар чаманга буркансин, одамлар мусабфо ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олсин, тўйиб-тўйиб яшасин, роҳат қилиб яшасин, деган муҳташам орзуларнинг мўътабар ифорлари эди бу!

— Бугун нафақат биз, балки дунёдаги кўплаб мамлакатлар иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатларини яққол ҳис қилмоқда. Ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, тупроқ эрозияси, чўлланиш, қазилма ёқилғиларни беҳисоб ишлаш глобал иссиҳа, табиий оғатларнинг кўпайишига олиб келмоқда, атроф-муҳит ва аҳоли соғлиғига зарар етказмоқда, — дея таъкидлади Президент Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида. — Биз бу масаланинг оқибатларини олдиндан кўриб, маъкур йўналишда катта ишларни олиб борапмиз. Бундан уч йил аввал бошланган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ҳозирги кунга келиб, чинакам халқ ҳаракатига айланди. Ушбу дастур қатор худудларда, жумладан, Оролбўйидаги экологик вазиятни яхшилашга хизмат қилмоқда.

### Президент дарахт экмоқда...

— Қани эди дунёдаги ҳамма давлатларнинг раҳбарлари бизнинг Президентимиздай бўлса, — ҳавас ва фахр билан секин шивирлади сенатор Хусан Эрматов. — Афсуски...

Ҳа, афсуски, дунё беҳаловат. Дунё чақалоннинг киприкларида, намозшомгул япроқларида омонат қалқиб турган шудринг томчисидек қалтираб турибди. Айрим давлатларнинг раҳбарлари тинчликни авайлаш, одамларга меҳр кўрсатиш, кўчат экиш, табиатни асраш ўрнига қирғинбарот урушларга саркардалиқ қилмоқда. Мингминглаб одамларнинг уйлари вайрон, диллари қабристон, кўчалари гўристон бўлишига сабабчи бўляпти. Йўлимдан юрмасанг, менга бўйин эгмасанг, айтганимни қилмасанг, кўзингга кўрсатиб қўяман қабилдида Ер юзини остин-устун қилмоқда

жаҳд қилган “шоҳ”лар ёввойи махлуқдек ўқирмоқда, пишқирмоқда, ўқирмоқда. Болалар етим, оналар бева, инсонлар ватангадод бўлмоқда. Табиат эса... Ҳаммасидан кўп азоб чекапти она табиат. Ҳар отилган ўқдан, ҳар бомбанинг даҳшат билан портлашидан ям-яшил боғларнинг кули қўққа совирилмоқда, она табиат танкларнинг темир товони остида майдаланиб, инграб, жон таслим қилмоқда. Қачонгача давом этади бундай хўрликлар, зўравонликлар, қонхўрликлар, “мен зўрми, сенми” қабилдаги муштумзўрликлар? Қачон инсоф киради бу босқинчи каззобларга! Бомба-

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИЛАНАЁТГАН ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

**Ўзбек ва қорақалпоқнинг тарихи ҳам,  
тақдирини ҳам бир. Мен ишонаман, бизнинг ёруғ, бахтли  
келажгимиз ҳам албатта бир бўлади.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Бугун шиддат билан ривожланиб бораётган  
мамлакатимизда ҳар бир отган тонг мисли кўрилмаган  
янгиликлар, бунёдкорлик ишларига бой бўлиб, кўнглининг  
тоғдек кўтарилганини сезмай қоласан киши.**

Жорий йилдаги парламент, маҳаллий кенгашиларга сайлов демократик тамойилларга тўлақонли жавоб берган ҳолда шаффофлик, очиклик ва илк бор аралаш тизим асосида ўтди. Бунинг сайлов жараёнларини кузатиб борган халқаро экспертлар фикрлари ҳам яққол тасдиқлайди.

Шу йил 18-19-20 ноябрь кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлисларида Президентимиз иштирок этиб, нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари, энг аввало, ўтган беш йилда қабул қилинган дастурларнинг амалда бажарилишига алоҳида

тўғхалиб ўтди ва келгуси беш йилда мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш йўлидаги истиқболларни белгилаб берди. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бош вазир номзодини кўриб чиқишга бағишланган мажлисида 2025 йилни “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили”, деб номлашни таклиф қилди. Бу таклиф нафақат залдагиларга, балки бутун халқимизга маъқул келди ва қўллаб-қувватлади.

▶ Давоми 2-бетда

▶ Давоми 3-бетда



# ПРЕЗИДЕНТ ДАРАХТ ЭЖМОҚДА...

**Абдусайд КЎЧИМОВ,**  
сенатор

Бошланиши 1-бетда

**Президент дарахт эжмоқда...**

Бектемир туманидаги ҳалқа йўли ёқасида 100 гектарли янги боққа асос солинмоқда. Боққа икки йилда 100 минг тупдан зиёд дарахт ва бута кўчати ўтказилади. Уларни парваришlash ва сугориш учун 3 та сунъий ҳавза ва 12 та қудуқ барпо этилади. Мамлакатимизда эса фақат шу йилнинг кузида 80 миллион туп дарахт ва бута кўчати экиш режалаштирилган. Умуман, охириги уч йилда мамлакатимиз бўйича 646 миллион туп кўчат ва бута экилди. Оролбўйидаги яшил қоплама ҳудуди 2 миллион гектардан ошди.

Бундан ташқари, Президентимиз Олий Мажлис йиғилишида айтганидек, кўшни мамлакатлар билан биргаликда минтақавий иқлим стратегиясини амалга оширишга киришилди. Пойтахтимизда Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришларини ўрганиш университети очилди. Ўзбекистон БМТ томонидан бу борада қабул қилинган иккита муҳим резолюция ташаббускори бўлди. Айни вақтда “яшил” энергетика иқтисодийимиз драйверларидан бирига айланмоқда.

Ўзбекистон 2023 йилда иқлим ўзгаришларига мослашув жараёнини молиялаш йўналишида МДҲда биринчилардан бўлиб тарихий қадам ташлади ҳамда 331 миллион долларлик “яшил” суверен халқаро облигацияларни Лондон фонд биржасида жойлаштирди.

Экологик муаммоларнинг минтақавий ва трансгеографик хусусиятини инобатга олган ҳолда, жорий йилда Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан илгари сурилган “Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршида: умумий фаровонлик йўлида ҳамжихатлик” тўғрисида БМТ Бош Ассамблеяси резолюцияси қабул қилинди.

Унда Орол минтақасини тиклашга қаратилган ташаббусларга алоҳида эътибор берилиб, яшил ўрмонлар барпо қилиш ва маҳаллий аҳоли турмуш даражасини ошириш каби кенг қўламли дастурлар тақдир этилди. Мазкур лойиҳалар юртимизнинг экологик ва ижтимоий ўзгаришларга содиқлигининг ўзига хос ифодасидир.

Энди мазкур йўналишлар бўйича ҳукумат томонидан алоҳида дастурлар ишлаб чиқилди. Унда “яшил” технологияларни жорий этиш, суғий тежаш, қўқаламзор ҳудудларни кескин кўпайтириш, Орол



**“Биринчи ниҳолнинг илдизлари атрофини белкурак билан шиббалаб, иккинчи кўчатга меҳр кўрини тўқа бошлади... Бу шунчаки ерга бир туп кўчат ўтказиш, шунчаки дам олиш куниндаги юмушларнинг бири эмас. Бу — етти ёшдан етмишгача бўлган барча фуқарога даъват. Талатўп дунёнинг кўзига кул сочаётган кимсаларнинг қилмишига Президент жавоби. Табиат хоинларининг бошига урилган гаврон... ва ҳар бир ақли расо инсонга сабоқ, ёшларга ибрат, қарияларга дуо, мўйқалам соҳибларни шоирларга илҳом булоғи бу.**

фожиасининг оқибатларини юмшатиш, муаммосини ҳал қилиш, энг муҳими, аҳоли саломатлигини мустақамлаш каби масалалар устувор аҳамият касб этади, албатта.

Лекин ўзимиз-чи? Ўзимиз юракдан ҳис қилаймизми буну?

Ахир биз — одамлар она табиатни озмунча ҳўрладикми, таладикми, азобладикми, алдадикми? Нега асрлар мобайнида бир томчи сувга зор бўлган араб саҳролари сел қаҳрига дучор бўлмоқда, нега шимол далалари, ўрмон кентлари тошқинлар тагида кўмилиб қоляпти?

Дунё бино бўлганидан буён чанқоқлик нималигини билмаган серсув манзиллар Африка саҳроларидек қақраб боряпти, дарёлар ўрнида чўллар, чўллар ўрнида кўллар пайдо бўляпти? Чунки биз етти қават ер тағно етти қават осмон устигача нима кўринса, таладик, талайимиз. Ҳатто она заминни пилладек ўраб, турли бало-қазолардан асраб турувчи озон қатламидега аймадик — тешдик: миҳ уриб тешдик, милтиқ отиб тешдик, снаряд

Бу шунчаки ерга бир туп кўчат ўтказиш, шунчаки дам олиш куниндаги юмушларнинг бири эмас. Бу — етти ёшдан етмишгача бўлган барча фуқарога даъват. Талатўп дунёнинг кўзига кул сочаётган кимсаларнинг қилмишига Президент жавоби. Табиат хоинларининг бошига урилган гаврон... ва ҳар бир ақли расо инсонга сабоқ, ёшларга ибрат, қарияларга дуо, мўйқалам соҳибларни шоирларга илҳом булоғи бу.

**Дарахт эжмоқда...**

Биз фарзандларимизга, набираларимизга табиат нима эканини тушунтира оламизми? Болаларимиз дарахтларни дарахтлардан, гуллари гуллардан, чечакларни чечаклардан фарқлай оладими? Кўкатларнинг номини майсаларнинг хусусиятини билишадими? Қайрагоннинг фойдасини антоқнинг шифобахшилигини англашадими? Уларга қалдирғочлар нима учун айвонларга ин қуришини айтганми? Зурриётларимизга бургуларнинг

таниш, билиш, кўз қорачиғидек асраб-авайлаш учун ўқиш, ўрганиш зарурлигини билишадими? Ўзимиз-чи? Билсак, нега ариқлар, дарёё сойларнинг суви булганишига томошабин бўлиб қараб турибмиз, йўл бўйлари, маҳалла-кўйларда куну тун жилдираб оқиб ётган водопровод жўмрагини бураб қўйиш нега эсимизга келмаяпти? Нега тонналар заҳарли газ чиқараётган йирик корхоналарни тартибга қачирмаяпти? Нега остонамиздаги ариқларни хазон босиб ётибди? Кеча эккан ниҳолни эчки гажитганини кўриб туриб, нега ҳайдамаймиз? Фарзанд кимдан ибрат олсин? Куш уясида кўрганини қилмайдими? Қачон сабоқ чиқарамиз ўзимиз — катталар?

Қачон хулоса қиламиз, қачон рост гапиришни ўрганамиз?

**Президент дарахт эжмоқда...**  
Ниҳол тубига сув қуймоқда. Бу ниҳоллар ўсиб, азамаат дарахтларга, дарахтлар катта боғларга айланади ҳали. Боғлар қушлар чугурига тўлади, булбуллар маст бўлиб сайрайди. Асаларилар дарахтларнинг гуллари кўнади, шамоллар ўпади, куёш нур тўқади. Қадим Турон, улуг Туркистон — янги Ўзбекистон боғларида қариялар ёнбошлаб дам олади, болалар кийкириб ўйнайди, Худо хоҳласа. Ҳар нафас, ҳар дақиқани бекор кетказмай, табиатни онажон, дея бағримизга босиб, елкамизда опичлаб, қарогимизда авайлайдиган замон келди. Онажонимизнинг ойдек порлоқ, қуёшдек меҳрли эканини билмоқ ва ардоқламоқ замони келди.

*Кечир бизни, она табиат,  
Сочинг юлиб, зўрладик сени.  
Оҳ урсанг ҳам қилмадик шафқат,  
Орол мисол ҳўрладик сени.  
Сен шод бўлсанг, кўнглинг тўқ бўлса,  
Биз ҳам шодмиз, бизлар ҳам тўқмиз.  
Кўзинг аччиқ ёшларга тўлса,  
Биз ҳам қариб, бизлар ҳам ўққимиз.  
Бошимизни уриб пойингга,  
Она, сендан уяр сўраймиз.  
Энди эса ҳамма жойингни,  
Чечакларга, гулга ўраймиз.  
Кўклатай деб улуг мулкнигни,  
Йўлга чиқди қари, ёшимиз.  
Бу қудратли улуг тўлқинни,  
Бошла берди давлат бошимиз.  
Дала даштлар кўча-кўйингни,  
Бургаймиз бозу бутонга.  
Хаваас қилгай бу жаҳонда ҳам,  
Ахли дунё Ўзбекистонга.*

Президент дарахт эжмоқда...



отиб тешдик, тешаямиз. Бу кетишда булут булутлигини, осмон осмонлигини, юлдуз юлдузлигини унутиб қўймайдими? Бундай талон-тарождларнинг олди олинмаса, жоловланмаса, қиёмат-қойим бўлмайди? Бир-биридан даҳшатли фожиаларни замин аҳли билиб турибди, эси борлар фарёд уряпти, “Бас қилинг!” дея ҳайқиряпти. Зўравонлар эса кардек, кўрдек миқ этмаётир. Ким ўзи улар? Наҳотки, боласи, ота-онаси, қариндош-уруғи, миллати ва ватанининг тақдирини ўйламоса? Нега ёқасидан олиб, бурнини ажриққа ишқамаяпти дунёга эгаменлик давросида юрган салтанатларнинг султонлари? Нега?!

**Ўзбекистон Президенти дарахт эжмоқда...**

Биринчи ниҳолнинг илдизлари атрофини белкурак билан шиббалаб, иккинчи кўчатга меҳр кўрини тўқа бошлади...

Давлат раҳбарининг қалбидаги орзу-армонларни ҳали-ҳануз ҳаммамиз ҳам тушуниб етганимизча йўқ. Тушуниб етганимизда ҳар йил баҳор кузда эккан минг-минг туп кўчатимиз саратонда қувраб, қорда музлаб қолмаган бўлар эди. Ахир бу йил мана бунча миллион кўчат эдик қабилдаги ёлгон маълумотлар билан ўзиниям, ўзгалариям алдаётган амалдорлар йўқми орамизда? Сўнгги 10-15 йилда экилган дарахт буталар ҳақидаги “ҳисобот”лар рост бўлганида эди, Ўзбекистон ўрмонга айланган кетган бўларди. Алдадик. Оқибат нима бўлди — халқнинг пешона тери билан топилган миллионлар сомондек совурилди, меҳнатимиз сувда оқди, кумга чўкди. Нима наф кўрдик? Президент бундай хунук хатолар такрорланмаслиги, сабоқ чиқариш, қалбларда она табиатга беадоқ меҳру муҳаббат уйғотиш учун ҳам ўзи бош бўлиб дарахт эжмоқда.

Давлат раҳбарининг қалбидаги орзу-армонларни ҳали-ҳануз ҳаммамиз ҳам тушуниб етганимизча йўқ. Тушуниб етганимизда ҳар йил баҳор кузда эккан минг-минг туп кўчатимиз саратонда қувраб, қорда музлаб қолмаган бўлар эди. Ахир бу йил мана бунча миллион кўчат эдик қабилдаги ёлгон маълумотлар билан ўзиниям, ўзгалариям алдаётган амалдорлар йўқми орамизда? Сўнгги 10-15 йилда экилган дарахт буталар ҳақидаги “ҳисобот”лар рост бўлганида эди, Ўзбекистон ўрмонга айланган кетган бўларди. Алдадик. Оқибат нима бўлди — халқнинг пешона тери билан топилган миллионлар сомондек совурилди, меҳнатимиз сувда оқди, кумга чўкди. Нима наф кўрдик? Президент бундай хунук хатолар такрорланмаслиги, сабоқ чиқариш, қалбларда она табиатга беадоқ меҳру муҳаббат уйғотиш учун ҳам ўзи бош бўлиб дарахт эжмоқда.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

# “Янги Ўзбекистонда диний бағрикенглик” мавзусидаги халқаро конференция хорижий мутахассислар нигоҳида

**Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси, халқпарвар ва миллатпарвар сиёсати, шунингдек, минтақа миқёсида фаол ташқи сиёсат олиб бораётгани, кўшни давлатлар билан ҳар томонлама, ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантираётгани, эзгулик ва тинчлик-осойишталик омили бўлган диний бағрикенглик тамойилларини янада мустақамлаш ва ривожлантиришга имкон бермоқда.**

Юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, таълим, илм-фан, маънавият ва маърифат, миллатлар ўртасидаги дўстлик ва бағрикенглик тамойиллари ўзининг янги тарихий саҳифаларини очди. Яқин кўшни давлатлар билан олий ва юқори даражадаги алоқаларимиз сезиларли даражада фаоллашди.

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг сессияларида ҳамда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши сессиясида нутқ сўзлаб, муҳим тақлиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Президентимизнинг муҳим тақлифи асосида 2018 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюция қабул қилинди. Шуну алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур резолюцияни Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги 50 дан ортик мамлакатлар яқдил қўллаб-қувватлади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 2023 йил 19 сентябрдаги 78-сессиясида илгари сурган ташаббуслари асосида жорий йил 15-16 октябрь кунлари Тошкент ва Хива шаҳарларида “Ислон — тинчлик ва эзгулик дини” мавзусида халқаро конференция юқори савияда ўтказилди.

Унда дунёнинг 22 та мамлакатдан 70 дан ортик хорижий меҳмонлар — уламолар, муфтийлар, исломшунос олимлар, халқаро ташкилотларнинг вакиллари ҳамда юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус раҳбарлари иштирок этди.

Ушбу таъдир якуни бўйича мусулмон мамлакатларининг олим ва мутахассислари иштирокида экстремизм, радикализм ва терроризмга қарши кураш самардорлигини янада ошириш, илмий рақиблар бериш методологиясини такомиллаштириш масалалари бўйича Хива декларацияси қабул қилинди.

Жорий йилнинг 16 ноябрь куни эса пойтахтимизда “Бағрикенглик ҳафталиги” доирасида Дин ишлари қўмитаси, Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳамкорлигида “Янги Ўзбекистонда диний бағрикенглик” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Ундан кўзланган мақсад Ўзбекистонда тинчлик, осойишталик омилларидан бири бўлган диний бағрикенглик, динлараро тувтулик ва конфессиялараро ҳамжихатликни янада мустақамлаш борасидаги ишларни ўрганиш, истиқболдаги вазифаларни таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва шу йўналишда ўз ечимини кутаётган масалаларни ҳал этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Халқаро анжуманда АҚШ, Буюк Британия, Корея, Туркия, Малайзия, Португалия, Арманистон, Россия, Тожикистон, Қозғоқистон каби давлатлардан мутахассислар, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакиллари, дишнунос экспертлар, исломшунослар, миллий маданий марказлар, турли диний конфессия вакиллари, шунингдек, жамоат ташкилотлари, Ўзбекистон халқаро ислом академияси профессор-ўқитувчилари қатнашди.

Анжуманининг хорижий иштирокчилари бугунги таҳликали замонда Ўзбекистондаги динлараро ва миллатлараро тувтулик ҳамда диний-маърифий соҳадаги ислохотлар хорижий давлатлар учун ўрнак бўлаётгани, бу ислохотлар ва ташаббуслар бошида Ўзбекистон Президенти турганини юқори баҳолади. Қуйида диний конфессия раҳбарлари ва дишнунос мутахассисларнинг анжуман ҳақидаги таасуротларини келтирамиз:

**Мустафа ДЕМИРЖИ,**  
Туркиянинг Салжуқ университети Салжуқ таъқиқотлари институти мудири, профессор:

— Мазкур конференция Ўзбекистондаги 130 дан ортик миллат ва элат ҳамда 16 та конфессия вакиллари бир мақсад йўлида бирлаштирди деб айтиш мумкин.

Ушбу нуфузли анжуман орқали турли миллат вакиллари Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбекистонда диний бағрикенглик ва миллатлараро тувтулик борасида олиб борилаётган ислохотлардан мамнун эканликларини изҳор қилмоқда.

Тарихан ушбу макон Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган, турли миллат ва халқлар бир ерда жамланган юрт ҳисобланади. Бу эса ўлканинг цивилизациялар тугашган манзилига айланган. Бундай юрт дунёнинг бошқа жойида топиламайди.

**Сергей КРЕТОВ,**  
Новоапостол черкови Марказий Осиё округи раҳбари:

— Ҳозирда 130 дан ортик миллат ва элат ҳамда 16 та конфессия вакиллари истиқомат қилаётган мультиконфессионал Ўзбекистон жамиятида бағрикенгликни тартиб қилиш юрт ривожининг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Биз Ўзбекистонда динлараро бағрикенгликни таъминлашнинг ўзига хос модели шаклланишининг гувоҳи бўлдик. Унинг ўзига хос жиҳати шундаки, ҳар бир дин вакилига тенг ҳуқуқ ва эркинлик берилгани ва эмин-эркин ибодатларини амалга оширишга шароит яратилганидир.

Шуну айтиш муҳимки, кейинги йилларда янги Ўзбекистонда динлараро мулоқот соҳасида қўллаб-ийобий ислохотлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз ва бу бизни мамнун қилади. Бугунги ўтказилаётган конференция ҳам фикримизнинг аққол мисоли бўлади.

**Епископ Хосе Луис Мумбиела СЕРРА,**  
Марказий Осиё католик епископлари конференцияси раиси, Қозғоқистон:

— Ўзбекистонга аввал ҳам бир неча бор келганман. Бу ерда турли дин ва миллат вакиллари ҳамжихатлиқда ўзаро тинч-то-

тув ҳаёт кечираётгани, умуман, диний бағрикенгликнинг юксак маданияти шаклланигани мени гоят ҳайратлантирди.

Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида бугун мамлакатингизнинг тез суъратлар билан ривожланиб, халқаро миқёсдаги нуфузи тобора юксалиб боришда диний бағрикенглик ва миллатлараро тувтулик муҳити муҳим роль ўйнамоқда.

Бугунги турли низолар кузатилаётган вазиятда турли миллат, дин вакиллари бир жойга жамлаб, тинчлик, фаровонликни кўзда тутган муштарак мақсадлар илгари сурилаётгани жуда катта жасорат ва дунё ҳамжамиятига намунадир.

**Митрополит ВИКЕНТИЙ,**  
Рус православ черкови Тошкент ва Ўзбекистон епархияси раҳбари:

— Президент Шавкат Мирзиёев барча одамлар тинчлик ва ҳамжихатлиқда яшашларини таъминлашнинг қўллаб-қувватлаб, тартиб қилиб келмоқда. Бу эса диний бағрикенгликнинг муваффақият калитидир.

Кейинги йилларда Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятга тобора очилиб бормоқда. Турли миллатлар ўртасида эзгулик, тинчлик ва тувтулик, бағрикенглик ва дўстлик сиёсатини тараннум этаётган мамлакат сифатида дунёда тан олинмоқда. Ушбу конференция эса диний бағрикенгликнинг Ўзбекистон модели сифатида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Президентининг тинчлик ва ҳамжихатлик ташаббусини барчамиз қўллаб-қувватлашимиз керак. Шундай экан, бугунги байрам билан барчани табриқлайман. Бундай қувончли кунлар ҳар доим ҳамроҳимиз бўлсин.

**Владимир ПРОВОРОВ,**  
Россия Евангел-Лютеран черкови архиепископи:

— Уйлаимки, мазкур конференция Ўзбекистондаги турли миллат ва элат вакиллари тинч-тову, умумжамият ривожини йўлидаги сай-ҳаракатларига ҳаммадангидир.

Ўзбекистон Президентининг миллатлараро тувтулик, диний бағрикенглик тамойилларига асосланган сиёсати мамлакатдаги турли миллат вакиллари бир мақсад сари бирлаштирмоқда. Бу янги Ўзбекистоннинг

инсонпарварлик ислохотларидан бири сифатида халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда.

**Абд Раҳман Моҳд РОСМИЗИ,**  
Малайзия Ислон илмлари университети профессори:

— “Янги Ўзбекистонда диний бағрикенглик” мавзусидаги конференция сабаби Ўзбекистонда бўлганимдан жуда ҳам мамнунман. Фурсатдан фойдаланиб, ушбу нуфузли анжуман ташкилотининг ва ташаббускори Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига миннатдорлик билдириб қоламан. Бу каби таъдирларнинг бардавом бўлаётгани жуда қувонарлидир. Зеро, яхши биламизки, ислом дини таълимотига кўра, Аллоҳ таоло инсонларни турли халқ ва миллатларга бўлиб яратган ва уларнинг асосий мақсади Ер юзиде ҳамжихатлик ва ҳамкорликда яшашдан иборат.

Бироқ бугун Ер юзининг айрим ҳудудларида содир бўлаётган низолар, тўқнашувлар тинчлик-товуликнинг қадрини янада оширмоқда. Шу нуқтан назардан, бугунги конференция долзарб аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, юртингиздаги диний конфессия вакиллариининг фаолиятини ўрганиш, таҳлил этиш, Ўзбекистоннинг бағрикенглик сиёсатини жаҳон ҳамжамиятига намуна сифатида кўрсатиш анжуман қатнашчиларининг муҳим мақсади бўлиши керак. Ўз юртимизда қайтганимизда ҳам конференцияда кўтарилган инсонпарварлик, бағрикенглик гоъларини етказишни кўзда тутганимиз.

**Санжит ДЖХА,**  
МДҲ Ҳинд форум раиси, Россия Ҳинд Кенгаши раиси:

— Бугунги ташкил этилаётган “Янги Ўзбекистонда диний бағрикенглик” конференциясини ўз йўналишига кўра, дунёда ноёб ҳодиса деб ҳисоблайман.

Мен бир неча дин ва миллат вакиллари яшайдиган давлатларни биламан, лекин бугунгидек давлат раҳбари даражасида эътибор берилдиган бирорта мамлакатни билмайман.

Ўзим шахсан Қришна жамияти вакили ҳисобланаман. Қадимги санскрит тилида ёзилган диний манбаларда “Бу дунё унда яшаётган дин ва миллат вакилларида қатъи назар, катта оиладир”. Мен айнан Ўзбекистонда бир неча миллат ва элатларнинг аҳил ва иноқ оиладек яшаётганига гувоҳ бўлдим. Бундай нуфузли анжуманда иштирок этаётганимдан гоят мамнунман.

**Фарида КАМАЛОВА,**  
Аҳмад Ясавий номдаги Халқаро қозғоқ-турк университети кафедра мудири:

— Инсоний қадриятларга асосланган динлараро мулоқотнинг асосий пойдевори бағрикенглиқдир. Бағрикенглик турли фикрлар, эътиқодлар ва маданиятларни ҳурмат қилиш сифатида таърифланади ҳамда кўп миллатли ва кўп конфессияли жамиятларда тинч-тову яшашнинг зарур шарти сифатида кўрилади.

Модомки, шундай экан, ҳар бир инсон, бутун жамият ўзаро муносабатларни халқларнинг турли-туман урф-одатлари, маданияти ва қадриятларини тан олган ҳолда бағрикенглик асосига қуриши зарур. Зеро, тинч-товулик, бағрикенглик тараққиёт гаровидир.

Хорижий эксперт ва мутахассисларнинг фикрларидан шундай хулоса қилиш мумкин. Ўзбекистонда диний бағрикенгликни таъминлаш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар натижасида макур жаҳонда “Ўзбек модели” ўзига хос намуна ўлароқ шаклланиётгани жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

Мамлакатимизда турли динларга этиқод қилувчи кишиларнинг бир маконда эгу ниётлар йўлида ўзаро ҳамкор ва ҳамжихат бўлиб яшати, меҳнат қилиши бағрикенгликнинг энг ёрқин намунаси. Дунёдаги вазият кескин ва мураккаб бўлиб бораётган бугунги кунда юртимизнинг тинчлиги ва раванқини таъминлаш, диний бағрикенгликни қарор топтириш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.





Инсон қадри учун

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИЛАНАЁТГАН ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН



Курбанбай БАЙНИЙАЗОВ, “Еркин Қарақалпақстан” — “Вести Каракалпақстана” газеталари бош муҳаррири в.б.

**Бошланиши 1-бетда**

Азалдан табиатга меҳр берган, унинг қадрига етишга интилган халқимиз. Шу боис, табиат сўзининг олдига доимо “она” сўзини қўшиб кўлаймиз. Халқимиз атрофда, оламда мавжуд нарсаларни асраб-авайлашга интилади. Кейинги йилга бундай ном берилиши мана шундай қадриятларимизга мос. Давлатимиз раҳбари илгари сурган ушбу фикрлар она ватанга бекиёс муҳаббатни ҳис қилиш, мавжуд имкониятларнинг қадрига етиш, уни келажак авлодларга етказишда фидойий бўлишга чорлайди. Демак, она табиатни асраб-авайлашга, ҳимоя қилишга қаратилган ишлар, “яшил иқтисодиёт”га ўтиш борасидаги сазой-ҳаракатларимиз янги босқичга кўтарилди.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ўқитувчиси, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори Бийбисора Ережипованинг сўзларига кўра, “яшил” иқтисодиёт деганда, инсоният учун зарур ресурсларни, атроф-муҳит ва экологини бутун ҳолда асраб қилиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари билан боғлиқ иқтисодиётни янада ривожлантиришга қаратилган иқтисодий хизматнинг алоҳида йўналиши тушунилади. “Оддий мисол, шу йил октябрь ойининг биринчи ўн кунлигида Тахياتош иссиқлик электр станциясида 180 киловатт қувватга эга навбатдаги қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилиб, натижада 420 минг киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариладиган бўлди. Бунинг натижасида йилга 45 минг куб метр табиий газнинг тежаланишига эришилди. Мана шунинг ўзи кичкинагина “яшил иқтисодиёт”, дейди мутахассис.

Қорақалпоғистонда 2030 йилгача 11 миллиард доллар тўғридан тўғри инвестиция

ҳисобига жами 10,3 гигаваатт қувватга эга 10 та йирик шаamol электрстанцияси қурилиши режалаштирилган. Бу лойиҳалар тўлиқ ишга туширилгач, йилга 35 миллиард киловатт-соат энергия олинади. Шу йил 19 август кунин Президентимизнинг Қорақалпоғистонга ташириш давомида ушбу лойиҳаларнинг бир нечасига старт берилди.

Президентимиз халқаро минбарларда Оролбўйи минтақасидаги экологик ҳалокатни бартараф этишга жаҳон ҳамжамияти диққат-эътиборини қаратиб келмоқда. Орол денгизининг қуриган тубида ўрмонзорлар яратиш кўлами кенгаймоқда. Бу хайрли ва савобли ишга нафақат қорақалпоғистонликлар, балки барча вилоятлардан техника ва кўл кучи билан ёрдам кўрсатишмоқда. Бугунги кунда 2 миллион гектардан ортиқ майдонга экилган ўсимликлар кўкариб, денгиз тубини яшил қоламга айлантирмоқда.

Бу йўналишдаги яна бир муҳим жиҳат. Экологини яхшилаш, шўрланган, сувсиз муҳитда янги нав ва уруғларни яратиш учун Оролбўйи халқаро инновация маркази ташкил этилди. Яқинда қишлоқ хўжалигини иқлимга мослаштириш дастури тасдиқланди. Унга кўра, Оролбўйда иқлим ўзгариши оқибатини юмшатишга 80 миллион доллар ажратилади. Ушбу маблағлар 100 минг гектар яйловни деградациядан чиқариш, тупроқ-иқлимга мос кунжут ва қовун навларини етиштириш, чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш ва кадрлар тайёрлашга сарфланади.

Шунингдек, бугунги кунда Нукус — Тахياتош трассаси ёқасида олиб борилаётган ободонлаштириш ва кўкалмазорлаштириш ишлари кўрган кўзни қувонтириб, кўнгилни кўтаради. Утган ҳафтада ижодий жамоамиз Тахтақўпир туманида газета муштарийлари билан учрашув ўтказиш учун йўлга чиққанида, ҳамроҳ бўлган нуруний акамиз йўл бўйларида меҳнат қилаётган аҳолининг ибратли ишларидан кўнгли тўлиб:

— Баракалла, оғизбирчилигингизга кўз тегмасин, меҳнатингизнинг натижасини, роҳатини кўринг. Баҳорда экилган кўчатлар тутиб, ўсиб ривожланиш фазасига кирибди. Насиб қилса, бу ҳудудларда катта ўрмонлар бўлади. Мени айтди деган, — деди.

Бундай ҳам савоб, ҳам хайрли ишни республикамизнинг нафақат шимолий, балки жанубий, ғарбий ҳудудларида, ҳар бир маҳалла, кўча, ҳаттоки оилаларда кузатишимиз мумкин.

Бу йил кўз мавсумида “Яшил макон” лойиҳаси доирасида республика бўйича жами 5 миллион 600 минг дона манзарали ва мева-ли кўчат экилиши кўзда тутилган. Ҳозир бу жараёни узоғи билан 10 кун ичида якунлаш бўйича ишлар уюшқоқлик билан олиб боришмоқда. Шунингдек, ниҳоллар тутиб кетиши, ўсиб ривожланиши бўйича ҳам тегишли ташкилотларга, мутахассисларга алоҳида масъулият юланган.



Дарҳақиқат, Қорақалпоғистонда энг олис, чекка овул, ҳудудларнинг ҳам инфратузилмаси яхшиланиб, аҳолининг ижтимоий турмуш даражаси ортмоқда. Хусусан, юртимизнинг шимолий дарвозаси ҳисобланган Тахтақўпир, Боршитов ёнбағри, Қаратерен кўли соҳили ҳудудларида инфратузилмани янада яхшилаш, туризм салоҳиятини ошириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида лойиҳа қиймати 30 миллиард сўмдан ортиқ экотуризм комплекси фойдаланишга топширилди. Унинг очилиш маросимида бир отахоннинг “Янги Ўзбекистонда янгилаётган Қорақалпоғистон”, дея ҳаяжонланиб айтган гапи ҳеч ёдимдан кўтарилмайди.

Қорақалпоғистонда туризм ривожланмоқда. Масалан, 1 миллион 300 минг сайёҳ келди. Президентимиз ташаббуси билан халқаро Нукус — Олмаота, Нукус — Истанбул, ички Нукус — Мўйноқ авиарейслари, Нукус — Мангистов темир йўл қатнови очилиб, йўловчилар бу йўналиш хизматларидан фойдаланмоқда.

Амударё устида янги темир-бетон конструкцияли замонавий автомобиль ҳамда темир йўл кўприги, шунингдек, Шовот бекатидан Қораўзақ бекатигача бўлган 85 километр узунликтаги темир йўл линияси



қуриб битказилиши Қорақалпоғистонда транспорт инфратузилмасини яхшилаш йўлида жуда муҳим қадам бўлди. Ушбу кўприк Россия ва Қозғоғистондан юк ташини масофасини 240 километр, вақтини эса 6 соат қисқартиради.

Шу пайтгача Амударё тумани аҳли автомобилда Нукус томон Урганч ва Беруний орқали юришга мажбур эди. Бунинг учун кўшимча 180 километр йўл юришга тўғри келарди. Поездга эса Хоразмнинг шарқ томонидаги Ҳазорат кўпригидан ўтиб келинарди. Янги кўприк туфайли бу қийинчиликлар барҳам топди. Халқнинг узоғи яқин бўлди.

Мазкур кўприкнинг узунлиги 423 метр. У билан бирга Шовот — Қораўзақ бекатларини боғлайдиган 85 километрли темир йўл ҳамда 3 та вокзал ҳам барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу кўприк, аввало, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари ўртасидаги мустаҳкам ишонч ва дўстлик кўприғидир. Бу йўл жаҳонга очилаётган янги Ўзбекистон, янги Қорақалпоғистоннинг тараққиёт ва фаровонлик йўлидир. Мана шу азим дарёнинг икки соҳилида шундай ёруғ нуқтарни оруз қилиб яшаб келаётган минглаб юртдошларимизнинг умидлари рўбга чиқди. Қорақалпоғистоннинг шимолий туманларига вилоятлар бириктирилиши натижасида ҳудудлар инфратузилмаси яхшиланиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги янада ошди. Масалан, Хоразм вилояти Шуманай туманидаги 250 та уй-жойнинг том қисми шиферлаб берилди. Нукус туманига бириктирилган Самарқанд вилояти эса туманда янги бозор мажмуаси, масжид, кутубхона ҳамда фуқаролар йиғини маъмурий биносини қуриб, фойдаланишга топширди. Натижада ушбу ҳудудларда ижтимоий объектлар кўпайиб, аҳолига қулайлик яратилди.



Шунингдек, Қўнғирот — Бейнеу автомобиль йўлининг янгидан қурилган 240 километрли қисми фойдаланишга топширилди. Ҳисоб-китобларга кўра, янги йўл атрофида 200 дан ортиқ савдо-хизмат кўрсатиш объекти ҳамда саноат корхонаси қурилади. Шунинг ҳисобидан келгусида 5 мингга яқин иш ўрни яратилади. Натижада

матри 250 миллион долларлик 200 мегаватт қувватли шаamol электрстанциялари қурилиши режалаштирилмоқда. Келгусида уларда йилга 4 миллиард 200 миллион киловатт-соат ёки 1 миллион 750 минг хонадоннинг 1 йиллик истеъмолига тенг “яшил” энергия ишлаб чиқарилади. Натижада 1,3 миллиард метр куб табиий газ тежалайди.

Автомобиль, сув йўллари қайта таъмирланмоқда.

Ҳудудда ишбилармонлик инфратузилмаси ҳам жадал ривожланмоқда. Бунинг учун 44,5 триллион сўм маблаг йўналтирилган. Натижада охириги йилларда 25 мингдан ортиқ янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. Биргина ўтган йилда 345 миллион долларлик 1400 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилиб, 10 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Қорақалпоғистонда чет эл капитални билан ташкил этилган корхоналар сони ҳам кўпайиб бормоқда. 2017 йилда 73 та хорижий ва қўшма корхона бўлган, бугунги кунда эса уларнинг сони 175 тага етди. Ҳозирда ҳудуд иқтисодиётига туртки берувчи қарийб 9,5 миллиард долларлик 120 дан ортиқ янги йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳалар 2025-2028 йилларда босқичма-босқич ишга туширилади. Натижада 20 мингдан ортиқ иш ўрни, 12 триллион сўмлик ишлаб чиқариш қуввати ва бюджетга 500 миллиард сўм қўшимча тушум яратилади.

Таъкидлаш жоизки, 2030 йилга қадар Қорақалпоғистонда 10 та йирик шаamol электр станцияси қурилиши режалаштирилган. Бу лойиҳалар тўлиқ ишга тушгач, энергия узатишда барқарорлигини таъминлаш учун Қўнғирот, Беруний ва Қораўзақ туманларида жами 400 мегаваттлик 3 та электр энергиясини сақлаш тизими барпо этилади.

Қорақалпоқ халқининг кўнглидан жой олган яна бир қувончли воқеа — Президентимизнинг ташаббуси билан Ажиниёз Кўсйибой ўғлининг 200 йиллиги ЮНЕСКО доирасида нишонланган халқаро юбилейлар сафига киритилиши, юбилейни ўтказиш бўйича махсус қарор қабул қилиниши бўлди. Қарор асосида шoir қабрининг атрофи ободонлаштирилди, китоблари озарбайжон, турк тилларига таржима қилинди.

Гиннесснинг рекордлар китобида кирган Нукусдаги “Оққуш” мажмуасидаги қора уйда халқаро конференция юксак савияда ўтказилиб, қатор туркийзабон давлатлардан олим ва ёзувчи-шoirлар иштирок этди. Бу тадбирнинг давоми шу йил 19 ноябрь кунин Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида юқори кўтаринкилик билан ўтди. Бу ўзбек ва қорақалпоқ халқининг илдизи бир, урф-одат, аъналарини, адабиётини, маданиятини, санъатига ажратиб баҳо бериш мумкин эмаслигини исботлайди.

Шу йил 28 ноябрь кунин қорақалпоқ миллий матбуоти асоси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши таъсисчилигидаги “Еркин Қарақалпақстан” газетаси нашр қилина бошлаганига 100 йил тўлади. Бу санами жамоамиз катта шижоат ва хурсандчилик билан кутиб олмақда. Зеро, юртимиздаги бугунги ўзгаришлар, ислохотлар жараёнини ёритиб бориш қанчалик маъсулият талаб этса, бу вазифани сиққидилдан адо этишда шунчалик фидойилик ҳам зарур. Амилий сазой-ҳаракатлар газетамиз жамоасида бу икки жиҳат ҳам етарли даражада.

Бир сўз билан айтганда, Қорақалпоғистон Республикасини ҳар томонлама ривожлантириш, ҳаётимиз фаровонлигини таъминлаш Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг алоҳида ва доимий эътиборида бўлиб келаётгани бутун қорақалпоқ халқига ҳаётдан розилик ҳиссини бағишламоқда. Энг муҳими, бу борадаги ислохотлар, амалий сазой-ҳаракатлар йилдан йилга янада такомиллашиб, гўзаллашиб борапти.

Шу боис, ишончимиз комилки, бундан кейин ҳам қорақалпоқ элида бошланган бундай эзгу, хайрли, халқпарвар ишлар бардавом бўлади. Янги Ўзбекистонда янги Қорақалпоғистон энг гўзал, ҳар томонлама ривожланган ҳудуд сифатида бўй кўрсатиб бораверади.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Ислохотлар амалда

Кучли иқтисодий шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, аҳоли даромадини ошириш ҳамда халқаро стандартларга мос келувчи ижтимоий ҳимоя тизимини жорий этиш бугун янги Ўзбекистондаги халқчил ислохотларнинг устувор максасидир. Бу яқинда парламент палаталарида бўлиб ўтган йиғилишларда алоҳида таъкидланди.



# КАМБАҒАЛЛИКДАН ФАРОВОНЛИК САРИ

## Одамлар турмуш тарзи ва қарашларини ўзгартиришга қаратилган дастур



Салоҳиддин САМАДОВ, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги хузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси ижрочи директори

Яхшилаш бўйича муҳим ижобий натижаларга эришилаётгани ана шу жиҳатлари билан ҳам аҳамиятли. Мамлакатимизда 2024 йилнинг қолган даврида 500 минг, 2025 йилда эса 1 миллион кишини камбағалликдан чиқариш ижтимоий-иқтисодий сиёсатимизнинг энг муҳим мақсади сифатида белгиланди. Бунга эришиш учун барча даражадаги давлат органлари ва ташкилотларга аниқ вазифалар юклатилди. Қўриладиган чора-тадбирлар, биринчи навбатда, ижтимоий ҳимоя, иқтисодий имкониятлар яратиш, шунингдек, аҳоли учун таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларини яхшилашга қаратилди.

Давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари орасида камбағал оилаларга ёрдам бериш, турмуш шароитларини яхшилаш, иш билан таъминлаш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш каби масалалар жой олади. Шунингдек, ўзгаришлар таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя соҳаларида бўлади.

Ҳар бир давлат органи ва ташкилоти ўз соҳасига кўра аниқ вазифаларни амалга оширишга мажбур бўлиб, ушбу жараёни тартибга солиш ва жадаллаштириш учун қўшимча ресурслар жалб қилинади. Бундан ташқари, халқаро ҳамкорлик, мамлакатнинг ички имкониятларидан фойдаланиш ҳамда давлат ва хусусий сектор ўртасидаги алоқаларни мустақамлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Умуман, дастурни амалга ошириш доирасида 5000 та янги иш ўрни яратиш белгиланган. Жамоат ишлари жамғармаси 3000 та, Хунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси 1000 та, Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси 1000 та янги иш ўрни ташкил этишни режалаштирган. Дастур доирасида аҳолининг ижтимоий ҳимояси кучайтирилади. Касб-хунар тизими тақомиллаштирилади. Соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий хизмат ва бошқа йўналишларда инфратузилма яхшиланади. Хизматлар сифати ва шаффофлиги ошади. Аҳолининг ижтимоий ҳолатини яхшилаш мақсадида молиявий ёрдам кўрсатиш, грантлар ва субсидиялар бериш кўламини кенгайтирилади. Тадбиркорларга молиявий ва консалтинг хизматлари кўрсатиш яхшиланади, одамларнинг

ҳуқуқий саводхонлиги ва иқтисодий билимлари оширилади. Тадбиркорлик ҳамда инновацияларга қизиқиш шакллантирилади. Янги дастур ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим қисмига айланади. Бу бўйича мукамал стратегияни ўзида жамлайди. Мазкур йўналишда республика миқёсида комиссия ташкил этилиши ҳамда дастур ижроси барча давлат органларининг биринчи даражадаги вазифаси этиб белгиланган унинг доирасидаги ишлар қанчалик муҳим ва кечиктириб бўлмаас эканини аналитика.

Ўзбекистон тўқимачилик саноати яхши ривожланган мамлакат. Бунинг учун бизда база етарли. Унинг экспорт ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашдаги ўрни ҳам юқори. Демак, камбағалликни камайтиришда соҳа ўзига хос тажриба ва салоҳиятга эга бўлиши керак. Президентимизнинг 2024 йил 1 майдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу бордаги имкониятни янада оширишга хизмат қилади. Чунки ҳужжатда бу саноатни сифат босқичига олиб чиқишнинг асосий йўналишлари кўрсатиб ўтилди. Ип-калавани қайта ишлаш даражасини 2027 йил якунига қадар босқичма-босқич 100 фоизга олиб чиқиш, дастлабки босқичда Андижон ва Наманган вилоятларидаги тўқимачиликка ихтисослашган кичик саноат зоналари ҳамда Тошкент вилоятидаги индустриал технопарк-

ни тўлиқ инфратузилма билан таъминлаш, зарур бино ва иншоотларни тадбиркорларнинг талаб ҳамда лойиҳалари асосида қуриб, тайёр ҳолатда бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан ёки ижара асосида бериш имкониятини яратиш шулар жумласидан.

Шунингдек, республикамизни “тўқимачилик хаби”га айлантириш ва камда халқаро даражада тан олинган 10 та маҳаллий бренд яратиш устида ишларни манзилли ташкил этиш, корхоналарга ички ва ташқи бозорларда

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



# Аграр тармоқ

## Кўзланган мақсадда етиш учун имкониятлар тўлиқ ишга солиниши керак

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг жорий йил 20 ноябрь куни бўлиб ўтган мажлисида давлатимиз раҳбари бошқа соҳалар қатори қишлоқ ҳўжалигидаги ишларга ҳам алоҳида тўхталиб, бу борда унинг барча тармоқлари, аввало, мева-сабзавотчиликни интенсиф ривожлантириш, янги уруғ навларини яратиш, импортни 50 фоиз қисқартириш бўйича дастурлар борлигини қайд этди.

Бир пайтлар боғбонларнинг бир неча авлоди ўз умрини бахшида этган олманнинг “Розмарин”, “Афросиёб” “Қандил” намуналари бўларди. Баҳоргача суви билан турарди. Сал қурт тушса ҳам мазаси ўзгача бўларди. Улар энди гўё “йотидий селекция” намуналари бўлиб қолгандек. Энди бозорларимизга кўп мевалар четдан кириб келяпти. Қўпчида чирой бор-у, таъми йўқдек...

Бу борда қишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори, профессор Тўракул Хўжақулов бундай дейди: — Нав яратиш жуда мураккаб иш. Ўн йиллаб ишлайсиз. Ҳар йили юзта кўчтанли инки-учтасини танлаб оласиз. Қолганлари бекор қилинади. Баъзан яхши нав яратиб, уни тасдиқдан ўтказма олмайсиз... 20 йилдан буён селекция билан шугулланаман. Олма дундаги энг кўп етиштириладиган мева. Унинг 7500 дан ортиқ тури мавжуд. Ҳозирги харидор аввалгидек эмас, олма сотиб олишда таъминдан кўра кўринишига эътибор беради. Кўпчилик ўзимизнинг сершира олмаси эмас, силлиқ, чиройли хориж мевасини танлайди. “Олманнинг кўрт еганини танла”, деган гап бор. Бунда уруғ ўсимликка кам қимматли ишлов берилганига ва унинг экологик жиҳатдан тоза эканига қаратилди. Чунки “тоза” мевага кўрт тушади. Тадқиқотларга кўра, энг кўп темир моддаси олманнинг яшил рангли йирик “Симиренко” навида бўлади. Айтايлик, бизга кўп келтириладиган эрон олмаси бир килограмми таркибда темир тутишига (85,9 миллиграмм) кўра “Симиренко”дан (бир килограммида 100 миллиграмм) кейинги ўринда туради. Шунингдек, Ўзбекистонда ўсадиган “Бахмал”, “Жаннатой”, “Гольд”, “Беш юлдуз” каби олма навлари ҳам темир моддасига бой. Аммо эрон олмасининг узоқ сақланиши, кўриниши, қадоқланиши бозорчиларнинг оширади.

Чиндан ҳам бугун ички ва ташқи бозор талаблари қатъий бўлиб, махсуслот фақат таъмин эмас, сифатли сақланиши, экологик ҳолати, чиройли қадоқланиши каби омидаларга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шу мақсадда мева етиштиришда жажон бозорлари талабидан келиб чиқиб, селекция ва агротехника ишларини йўлга қўйиш тақозо этилмоқда. Бу борда Самарқандда фермер ва



қишлоқ ҳўжалиги корхоналари ихтиёридаги 26,6 минг гектар боғнинг 15,8 минг гектари интенсифлаштирилди.

— Биз ёшлигимизда татиб кўрган, таъми оғзимиздан кетмаган олма навлари замон тақозоси ва вақт синовида ўз ўрнини Европадан келтирилётган интенсиф навларга бўшатиб бермоқда, — дея сўзида давом этади Тўракул Хўжақулов. — Бунинг сабаби оддий. Хориж навларининг самардорлиги юқори. Мисол учун, маҳаллий олма ҳосилдорлиги гектарига 20 тонна бўлса, хорижийки 70 тонна ташкил этади. Европада гектарига 70 тоннадан кам ҳосил берган боғлар бузиб ташланади. Ҳўш, улар бундай ҳосилдорликка қандай эришади? Аввало, дарахт ҳажми ихчамлиги сабаб, кўчтан тигиз қилинади. Томчилатиб сугорилди. Бериладиган органик ва қимматли ўғитлар жуда сифатли. Совуқ уриши ва бошқа салбий омилларнинг инновацион ечими топилган.

Ҳозир дунёда органик махсуслотларга талаб ўсиб бормоқда. Европа ва бошқа хориж мамлакатларида тайёр сертификатланган органик махсуслотлар харидордир. Бизнинг мева-сабзавот махсуслотлари табиий равишда органик ҳисобланади, тўлиқ стандартларга жавоб бериб-да, бироқ асарияти тегишли ташкилотлар томонидан етарлича сертификатланган. Шу йўналишдаги муаммолар

ечими ҳам маҳаллий экспортчилар олдидан турган муҳим ва долзарб масала.

Самарқанд вилоятида 26 минг гектар ерда 400,9 минг тонна мева ва резавор етиштирилади. Мутахассислар олманнинг умри нари борса 30 йил деб ҳисоблайди. Шу боис, вилоятдаги эски, самарасиз боғлар ўрнида янги интенсиф боғлар яратилмоқда. Жумладан, 2024 йил баҳорда 2,5 минг гектар интенсиф боғ ташкил этилди. Шунингдек, йил якуни бўйича барча тоифа ҳўжаликларига 407 минг тонна мева ва 678 минг тонна узум етиштирилиши кўзда тутилмоқда.

— Мева-сабзавотчилик тармоғи жами ишлаб чиқариладиган қишлоқ ҳўжалиги махсуслотларининг қарийб ярмини ташкил этгани ҳолда аҳолининг асосий даромад манбаларидан биридир, — дейди Аграрсаноатни ривожлантириш агентлиги Самарқанд вилояти бўлими бош мутахассиси Шомирза Сафаров. — У саноатнинг бошқа қатор тармоқлари ривожига ҳам таъсир кўрсатади. Шунингдек, ушбу тармоқ мамлакат қишлоқ ҳўжалиги экспортда асосий ўринини эгаллайди. Бугунги кунда вилоятда тупроқ-иклим шароити ва қурғоқчиликка чидамли мевали дарахтлар майдонини босқичма-босқич кўпайтириш бўйича “йўл харита”си тасдиқланган. 2024 йилдан 2026 йилгача 10 минг гектар писта ва

2 минг гектар фундук (ўрмон ёнғоғи) плантациялари ташкил қилиш бошланиб, ҳозиргача 1022 гектар писта ва 228 гектар майдонда фундук кўчатлари қадалган. Йил якунига қадар мева-сабзавотчилик йўналишидаги 4,2 мингта субъектда 1 миллион 950 минг тонна сабзавот, 122 минг тонна полиз, 407 минг тонна мева ва 678 минг тонна узум етиштирилади. Айни пайтда Самарқандда етиштирилган мева ва сабзавотлар 56 та мамлакатга экспорт қилинмоқда.

Деҳқонларимизнинг меҳнати сабаб ички бозорда махсуслот сероблиги таъминланаётгани бор гап. Сархил мевалар, хусусан, олма анча арзон. Юқорида мутахассис таъкидлаганидек, “Симиренко”, “Бахмал”, “Гольд”, “Беш юлдуз”ларимиз ҳар қандай хориж олмаси билан беллаша олади. Шундай бўлса-да, нега уларнинг нархи жуда арзон?

— Йилгирма йилдан буён савдо соҳасида ишлайман. Маҳаллий олма навларини ҳам, хорижийни ҳам сотамиз. Эрон олмаси унчалик ширали бўлмаса-да, бир текис, товланиб кўриниши, бежирим қадоқланиши билан харидорлар эътиборини тортади. Шу билан бирга, улар совуққа чидамли, қаттиқ, эзилиб кетмайди, яхши сақланади, шунга савдоси чакқон. Бизга хориждан кўлпак қўлпунай, малина, ўрик мураббалари, олма порелари келади. Чиройли қадоқланган. Мева экспортда юқори ўринларда қайд этилса-да, ўзимиз хорижга жўнатаётган махсуслотни қайсидир кўринишда яхшигина нархга импорт қилмоқдамиз, — дейди савдо ходими Оруз Раҳмонов.

Яна бир жиҳат, бозорларимиз тўқислигини таъминлаш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш, қишқи-баҳорги мавсумда сунъий қиммат бўлиб кетишининг олдини олиш мақсадида вилоятда қуввати 270 минг тонна бўлган 277 та совитиш омбори ишлаб турибди. Лекин вилоятда 407 минг тонна мева ва 678 минг тонна узум етиштирилиши ва қўшимчасига полиз махсуслотлари ҳам баҳорга қадар сақланишини инноватга олсак, совитиш омборлари сони ва қувватини янада ошириш тақозо этилади.



Махсуслот таннархидоғи яна бир масала — мевачиликка об-ҳавонинг таъсири.

— Йил давомида ҳароратнинг меъёрдан бир оз ўзгариши ҳам мева ҳосилдорлиги ва сифати пайсйишига, баъзан эса дарахтлар нобуд бўлишига олиб келади. Боғбон ва миришкор учун энг катта хавф баҳорги совуқ уришдан келади — аёз бир неча соат ичида боғбоннинг бутун ишини чиппакака чиқариб, уни бир йиллик даромаддан маҳрум қилиши мумкин. Шунингдек, қуздатги эрта тушган совуқ ҳам анчангина хавф тугдиради, — дейди тажрибали боғбон Ортиқ Мирзаев.

Ортимизда мева-сабзавотчиликни ривожлантиришга устувор йўналишлар сифатида катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, мева-сабзавотларни ташқи бозорларда сотиш ҳисобига мамлакат валюта тушумининг сезиларли қисми шаклланаётгани ҳам соҳани тубдан ислох қилиш ва жадал ривожлантиришини устуворлигидан далolat беради. Ҳисоб-ки-тобларга кўра, 1 гектар майдонда етиштирилган пахта хомашисига нисбатан узумдан 7 баравар, гилосдан 6 баравар, ёнғоқдан 5 баравар кўп даромад олиш имконияти мавжуд. Бу масаланинг иқтисодий жиҳати бўлса, инсон саломатлигига доир долзарб масала рационал овқатланиш ва темирга бой махсуслотларни истеъмол қилиш талаби. Масалан, анемиянинг олдини олишда темир моддасига бой бўлган олма истеъмол ижобий самара беради.

Бугун боғ ва мева етиштирувчилар доний давлат эътиборида. Уларга қатор имтиёзлар, имкониятлар яратилмоқда.

— 30 гектар тоқзоримиз бор. 2023 йил узум кўчатларини кўтариш мақсадида 150 миллион сўмлик субсидия олган эдик. Бу иш ортдан ҳосилдорлик қарийб икки баробар ошди. Узум етиштириб, ички бозорга ва экспортга жўнатаймиз, — дейди Самарқанд туманидаги “Азизов Қурбон” фермер ҳўжалиги раҳбари Жамшид Азизов.

Мева етиштиришда ривожланган давлатлар тажрибаси асосида боғлар ва тоқзорлар ишлаб берадиган, мева ва сабзавот экадиган, йиғиштириб оладиган техника зарур. Айниқса, фермер, деҳқон ҳўжаликларига ёқилги-мойлаш махсуслотлари, минерал ўғитлар, уруғлик етказиб бериш, касаллик ва зараркундаларга қарши кураш ишлари талаб даражасида бўлиши, шу билан бирга, соҳани ривожлантиришда самарали бозор механизмлари тизимли йўлга қўйишни тараққийтириш муҳим мезони бўлиб хизмат қилади. Вилоятда 20 та мева-сабзавотчилик агрокластери фаолият кўрсатмоқда ва улар орқали бевосита қишлоқ ҳўжалиги махсуслотларини инновацион ресурслар таъминлаш усулида сақлаш ҳамда қайта ишлашга ихтисослашган намунавий корхоналар фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Албатта, ушбу чора-тадбирлар натижасида мева-сабзавот ва узум махсуслотлари ишлаб чиқариш ҳажми янада ортади. Аҳоли учун сифатли ва арзон махсуслотлар етиштирилади, янги иш ўринлари яратилади.

Шухрат НОРМУРОДОВ, журналист



www.yuz.uz yuz.uznews yuz\_official yuz.uz\_news yuz

# ФИКРЛАЁТГАН ОДАМ

Минбар

Фикр ички қиёфадир. Яъни фикрингиз сиз нимани хоҳлашингиз, нимага интилишингизни билдиради. Фикр одамнинг ўзига хослигини эслатиш билан бирга унинг мавжудлигини кўрсатиб, мана шу мавжудлик тадрижий ўсиб боришини муттасил назорат қилиб боради. Ёзувчи Назар Эшонқул айтмоқчи, фикр аслида “мен мавжудман”, “мен борман”, дегани. Менинг фикрим — менинг қиёфам, менинг ўзим. У бошқаникидан тубдан фарқ қилиши, бировга ёқмаслиги мумкин, гашига тегар, аммо у менинг қиёфам. Фикр бармоқ изларимиз каби ўта шахсий бўлади. Аммо гап бу ҳақида эмас. Гап мана шу шахсий фикрни, ғояни, қарашларни янгиллаб, ўзгартириш ва ўсишига йўл очадиган умумғояга айлантиришда. Биз фикрни ўз муҳитимизга мослаб ифода этамиз, шу муҳитни фикримиз билан тозалашни, ўзгартиришни, оммалаштиришни хоҳлаймиз.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисидаги нутқида Президентимиз илгари сурган муҳим фикрлар, тақлифу режалар, ташаббуслар яшаш тарзимизга мослаб ифода этилгани, жамиятдаги ҳар бир қатламнинг оғриги, ҳузурли, ташвиши ва умиди бирдек ҳис қилинганидан сўнг тузилган самимий мақсадлар шу сабабдан тезда оммалашди ва жамиятимизнинг эътирофига эришди. Кўриниб турибдики, фикр — тараққиёт мезони. Биз фикр қилиб бугунги тараққиётга

эришдик. Кўпроқ фикрласак, эртага тезроқ навбатдаги босқичга кўтариламиз. Юрт тақдирини бефарқ бўлмасак, воқеликни англаш борасида пешқадам одамлар шаклланиб, сафи кенгайишда давом этади. Улар турли соҳа вакиллари — банкир, ўқитувчи, таржимон, саргарош бўлиши мумкин, аммо уларни ўша жиҳат — қалбларида

миллат гами борлиги, муаммолар кўламини ҳис этиш, ҳис қилдириш ва воқеликни яхши англаш истеъдоди бириштириб тураверади. Айнан улар истиқболли ислохотларни оёғини осмондан қилиб юборишга уринадиган тоифага қарши туради. Шунинг учун шундай миллат оидинлари бўлишга ҳаракат қилаётган илгор ёшларнинг мулоҳазалари билан қизиқдик. Айни кунлардаги жараённи улар қандай баҳолаётганини билишни истадик.



Ахрор АБДУМАННОН, “Asaxiy Books” нашриёти мусахҳиҳи:

— “Капалак эффекти” атамаси ҳақида кўпчилик билса керак. Содда айтганда, кичик, биз майда деб ўйлайдиган ҳаракатлар, қарорлар вақт ўтиб йирик оқибатлар, натижалар келтириб чиқаришга сабаб бўладиган жараёнлар. Масалан, бундай гап бор: мих туғаб қолди, натижада тақа қоқилмади, тақа қоқилмагани сабаб отдан маҳрум бўлинди, суворий отсиз урушга қиролмади, суворий йўқлиги сабаб жанг бой берилди, бутун бошли салтанат парокандаликка юз туғди. Бунинг ҳаммаси ўша бир дон михга бориб тақалди. Албатта, ҳар иш, ҳар ҳодиса Аллоҳдан. Олам шундай мукамал тартиб билан ҳаракатланадики, ҳар не бир-бирига назик, кўринмас иплар билан боғланган. Борлиқ сиз қаттиқ истаган нарсангизга эришишда кўмаклашади. Ёлғиз ўзим нимани ҳам ўзгартира олардим деб ҳафсаласизлик

қилиш эса яқинда бўлиб ўтган мажлисдаги мағзи тўқ гоёларга кўл силтаб қўйишдек беаъни ва хунук иш. Узаро давраларда барибир ҳеч нарса ўзгармайди деб луқма ташлаб қўйиш қўрқоқликдан, журъатсизликдан бошқа нарса эмас. На иқтисодиёт, на сиёсат, ўзини жамики фанларнинг файласуфи қилиб кўрсатишга чиранаётган хатти-ҳаракатларини икки қадам узоқда турган ўйинчонини олишга эриниб, йиғлаётган қайсар болачанинг хархашасига ўхшатаман. Уларга қараб исталган ислохотлар, аввало, сизнинг ҳаракатингизда акс топади, дегим келади. Сиз нолиб ётаверсангиз, ҳеч ким келиб ўрнингизга фикрлаб, ўрнингизга ишлаб, ўрнингизга пул топиб бермайди. Умуман, ҳаётга одам қайф-сафо қилиш учун келмаган. Ҳар қандай соғлом фикрли инсон яшаш тарзини қўлайлаштириш асносида келажак авлод учун маданий, иқтисодий, маънавий мерос қолдириш, бежиз яшаб ўтмабман, деган иқдор учун яшайди. Президентимиз шу ғоя, шу мақсад йўлида бири-бирига чорлаётган, масъулият ва фидокорликни талаб қиляпти, бунинг нимаси ёмон? Ахир ўша ишнингизнинг самараси, биринчи навбатда, ўзингизга сезилади-ку!

Даврдошларим билан кечган суҳбатларнинг якунида латифанамо бир гап ёдимга тушди. Вагонлари одамлар билан лиқ тўла поезд аслида бузилган, бир жойда турган бўлади. Аммо ташқаридагилар поездини шундай лиқликлитиб турадики, гўё ичкаридагилар олдинга қараб кетяпти деб ўйлайди. Фикр ҳам шундай. У тўхтаган жойда ривожланиш ҳам тўхтади, фақат “ривожланишимиз” деган алдамчи тасаввур бўлади.

Одам ўзини англаш билан бирга халқ ташвишини ўзиникидан устун қўйса, фикри ўсади. Уларга қараб исталган ислохотлар, аввало, сизнинг ҳаракатингизда акс топади, дегим келади. Сиз нолиб ётаверсангиз, ҳеч ким келиб ўрнингизга фикрлаб, ўрнингизга ишлаб, ўрнингизга пул топиб бермайди. Умуман, ҳаётга одам қайф-сафо қилиш учун келмаган. Ҳар қандай соғлом фикрли инсон яшаш тарзини қўлайлаштириш асносида келажак авлод учун маданий, иқтисодий, маънавий мерос қолдириш, бежиз яшаб ўтмабман, деган иқдор учун яшайди. Президентимиз шу ғоя, шу мақсад йўлида бири-бирига чорлаётган, масъулият ва фидокорликни талаб қиляпти, бунинг нимаси ёмон? Ахир ўша ишнингизнинг самараси, биринчи навбатда, ўзингизга сезилади-ку!

Президентимиз маърузасидаги фикрларнинг тараққиёт учун асос эканини озгина китоб варақлаган, инсталган худуддан туриб ислохотларни кузатаётган одам билади, тушунади. Умуманбарият тааллуқли ушбу фикрлар жамиятда бир вақтнинг ўзида ҳам руҳий, ҳам маънавий, ҳам маданий яратувчанлик пайдо бўлиб, юксалишида таянч вазифасини ўташига шубҳа йўқ.

Азизбек ЮСУПОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

## Шаҳобиддин ЛУҚМОН, “Ёшлар овози” газетаси муҳбири, жамоат фаоли:

— Оловда таом пишириб ейишни ўрганган тош асри одами ўша давр фикрида чинакам инқилоб қилган, унинг атрофидагилардан ўзгачароқ фикрлагани учун чақмоқтошдан ўт чиқара олишни англагани ва бу гулҳанда гўш қовуришга уринганининг ўзиёқ мисли кўрилмаган буюқ ҳодиса, ўзига хос маданият бўлган. У энг биринчи фикрларнинг дастлабки даҳоларидан эди. Агар у ҳаммага ўхшаб фикрлаганда, эҳтимол, бугунги тараққиёт анча кеч етиб келарди. Фикрингиз кудрати шундай. Илгор фикрлар жамланмаси буюқ ислохотларни яратди. Ислохотлар эса тизимлиликни таъминлайди, тизим билан ҳаракатланган мамлакат ўз йўлини белгилаб олади ва унга қатъий амал қилиш орқали юксак марраларни забт этади. Кўрпясизми, ҳаммаси бир-бирига боғлиқ. Мажлисида айтилган гаплар айнан шу силсила узилмаслиги ҳақида эди. Президентимиз маърузаларидаги фикрларини қўллаб-қувватлайман ва келгуси режалар амалга оширишга ишонаман. У нега бизнинг икки ўқ томимиз маънавият ҳамда иқтисодиёт эканини, улардан бири



тараққий топса, иккинчиси ҳам, шубҳасиз, ривожланишини таъкидлади, чунки маънавият, аввало, маданиятимиз, қадриятларимиздан келиб чиқиб шаклланади. Маданиятда эса даҳо аждодларимизнинг яширин қуввати, ижодий салоҳияти мужассам. Агар ундан тўғри фойдалана билсак, уни бугунги давр руҳига мослаштиришни уздайла олсак, биз субмаданият ва ташқаридан ташланган бошқа манипулятив тўрларга илинмаймиз, илиниш туғул, эътибор қаратишга вақтимиз бўлмайди, боиси, ўзимизни мунтазам ислох қилишдек улкан жараён ичида жавлон ураётган бўламиз.

Енг шимариб бирор яхши ишга киришгандан сўнг ёки шу жараён ичида маънавиятга оид фикрлар, маданиятимиз санъати, фалсафаси ривож топди, бевосита у ижтимоий фикрга туртки берди, қадриятларимиз орқали хилма-хил гоёларга йўл очилди. Президентимиз айнан мана шу фикрларга ва гоёларга йўл бермоқчи, бу гоёлар ичида, албатта, иқтисодий, технологик, илмий гоёлар борлигига ишоняпти, уни амалга оширишга имконият яратишни аллақачон бошлаб юборган, биз ҳам бошлаганмиз.

Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш, барқарор иқтисодий ўсish орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш, сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш, “хавфсиз ва тинчликсевар давлат” тамойилига асосланган сиёсатни изчил давом эттириш “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг асосий гоёларидан эканини билган ҳар бир соғлом фикрли юртдошимиз қай йўл билан бўлса-да элга нафи тегиш ҳақида кўпроқ қайғуриб, масъулиятни чуқурроқ ҳис эта бошлайди. Чунки бу ишлар замиридаги эзгу ва холис ният виждонли одамга, яхши маънода, сира тинчлик бермайди.

## Муносабат



# МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ ГЕОГРАФИЯСИНИ КЕНГАЙТИРИШ НЕГА МУҲИМ?

Фаррух МАШАРИПОВ, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги бошқарма бошлиги

Айни пайтда сайёрамиз аҳолисининг ҳар 7 нафаридан бири мигрантдир. Уларнинг йиллик пул ўтказмалари умумий айланмаси 350 миллиард долларга тенг бўлиб, мазкур кўрсаткич ривожланаётган давлатларга моддий кўмак беришга йўналтирилган сарф-харажатлардан сезиларли даражада юқори.



Меҳнат миграцияси масаласи Ўзбекистон учун ҳам долзарб. Шу боис, унга эътибор анча қулайган. Хусусан, юртга қайтган меҳнат мигрантлари бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганларга моддий ёрдам кўрсатиш тизими йўлга қўйилди. Ташқи меҳнат миграциясини қонуний асосларда ташкил қилиш, давлатларнинг ушбу соҳада самарали ҳамкорлиги ҳамда миграция бўйича халқаро стандартларга амал қилиш меҳнат мигрантлари ҳуқуқлари таъминланишининг асосий шартларидан ҳисобланади. Ортимизда ташқи меҳнат бозори эҳтиёжи асосида қадрлар тайёрлаш тизими тубдан қайта кўриб чиқилмоқда. Бунда ёшларни замонавий касбга ўргатиш, мутахассислик бўйича билим ва кўникмаларини шакллантириш ҳамда хорижий тилларни ўқитиш тизимини такомиллаштириш борасида зарур чора-тадбирлар белгиланмоқда. Таълим муассасаларида тайёрланаётган кадрлар салоҳияти ташқи меҳнат бозоридидаги иш бевувчиларни қониктирмайди. Меҳнат бозорига ҳар йили ўртача 700-750 мингга яқин янги ишчи кучи кириб келиши Ўзбекистоннинг ташқи меҳнат бозоридан

ги фаол иштирокини таъминлаш имконини бермоқда. Хорижга ишлаш мақсадида чиқиб кетган фуқаролар нафақат меҳнат қилиш учун борган давлати, балки ўзи туғилиб ўсган ва истиқомат қиладиган мамлакати иқтисодиёти ривожига ҳам катта ҳисса қўша олади. Шу боис, меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш, давлат томонидан мамлакат худудидан ҳам, унинг ташқарисидан ҳам ишончли ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қамқоғувларини кучайтириш кун тартибидан асосий масалаларга айланиши лозим. Мамлакатимизда ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш масаласига жиддий эътибор берилмоқда. Жумладан, давлат ноқонуний меҳнат миграциясига қарши курашмоқда, фуқароларни хорижга уюшган ҳолда ишга жойлаштириш учун тегишли ишлар қилинмоқда. Шу билан бирга, юртга қайтган меҳнат мигрантларини реинтеграция қилиш доимий эътиборда. Жумладан, бу йўналишда жорий йил 17 октябрда Президентимизнинг “Миграция жараёнларини бошқариш тизимини ислох қилиш бўйича

биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ва “Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш жараёнларини тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузурдаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги фаолияти тугатилди ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Миграция агентлиги этиб қайта ташкил этилди. Миграция агентлигининг асосий йўналишлари белгиланди. Унга кўра, агентликнинг электрон платформасида фуқароларга ўзининг резюмеини шакллантириш ва жойлаштириш ҳамда эълон қилинган иш ўринлари бўйича танловларда эркин иштирок этиш имконияти яратилди. Вақтинча меҳнат фаолиятини

амалга ошириш учун ташкиллаштирилган ҳолда ривожланган мамлакатларга чиқиб кетаётган фуқароларга тижорат банклари томонидан Миграция жамғармаси маблағлари ҳисобидан 10 миллион сўмгача икки йил муддатта микрокредитлар ажратилади. Агентликнинг ҳудудий филиаллари томонидан фуқароларнинг хорижда ишга жойлашиши билан боғлиқ, шу жумладан, ишчи визага оид ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича бепул консалтинг хизматлари кўрсатиш амалиёти йўлга қўйилди.

Шунингдек, хорижга ишлаш учун кетмоқчи бўлган фуқароларни касб-хунар ва чет тилларга ўқитиш тизимини замон талабига мослаштириш, мазкур йўналишда халқаро тан олинган дастурлар ва малака сертификатларини жорий қилиш мақсадида 2024 йил 1 декабрдан бошлаб касбий таълим ташкилотларида хорижга ишга кетмоқчи бўлган фуқаролар учун давлат гранти асосида алоҳида қабул параметрлари белгиланди. Хорижга ишга кетмоқчи бўлган фуқароларни ўқитиш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан грантлар ажратилади. 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб касбга ўқитиш муассасаларида халқаро таълим дастурлари асосидаги ўқув курслари ташкил этилади ҳамда уларнинг битирувчиларига хорижий иш бевувчилари томонидан тан олинган малака сертификатлари бериш тизими жорий этилади. Миграция агентлигининг электрон платформасида касбий таълим муассасалари ва касбий кўникмалар марказларида фаолият юритаётган чет тили фани ўқитувчилари рейтингини тузилади. Бундан инглиз, корей, немис ва япон тиллари бўйича камида В1 ёки унга тенглаштирилган даражадаги халқаро сертификат



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



олган битирувчилари сони энг кўп бўлган 50 ўқитувчи жамғарма ҳисобидан 50 миллион сўмдан субсидия тўланади. Хусусий бандлик агентликларига чет элда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган фуқароларни касб-хунар ва чет тилларга ўқитиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш ҳамда ушбу жараёнга ҳамкор хорижий иш бевувчиларини жалб қилиш ҳуқуқи берилди.

— Ўзбекистон учун меҳнат миграцияси географиясини кенгайтириш мақсадида Европа, АҚШ, Буюк Британия, Канада, Туркия, Жанубий Корея ва Япония ва араб давлатлари ўртасида уюшган миграцияни ривожлантириш зарур.

Бундан ривожланган давлатларнинг иш бевувчиларини жалб қилган ҳолда Ўзбекистоннинг меҳнат ресурслари потенциал мавзусида форумлар ташкил қилиш лозим. Ўзбекистон учун меҳнат миграцияси географиясини кенгайтириш жуда муҳим. Бу бир неча сабабларга кўра амалга оширилади.

Биринчидан, иқтисодий хавфларни юмшатади ва мамлакатнинг иқтисодий инкиरोзларга бардошлилигини оширади.

Иккинчидан, мамлакат иқтисодиёти учун хориждан юбориладиган пул ўтказмаларини кўпайтиради.

Учинчидан, ривожланган давлатларда меҳнат қилиш фуқароларга янги замонавий технологияларда ишлаш ҳамда касбий салоҳиятини ривожлантириш имкониятини беради.

Тўртинчидан, ривожланган давлатларда ишлаш меҳнат бозоридида диверсификацияни оширади, бу эса халқаро иқтисодиётдаги ўзгаришларга мослашувчанликни кучайтиради.



Буюк аждодларимиз

АЛИ ҚУШЧИ:

Мангулиқнинг беш ярим асри



Мирзо Улуғбекнинг энг ишончли дўсти ва шогирди сифатида у устозининг "Зижи Қўрагоний" асарига шарҳ ёзган. Мирзо Улуғбекнинг фожиали ўлимидан сўнг бир муддат Табризда, Оққуёнлилар ҳукмдори Узун Ҳасан саройида яшаган олим 1473 йили усмонийлар ҳукмдори Фотиҳ Султон Меҳметнинг таклифига биноан Истанбулга келган. Султоннинг ўзи унга Аё София масжидини расадхона сифатида топширган.

буки, Коперник Али Қушчи вафот этган йили туғилган, демек, унинг илмий меросини ўрганган, ундан баҳраманд бўлган. Симпозиумда Ўзбекистон, Туркия, АҚШ, Озарбайжон, Эрон, Малайзия, Ливан сингари мамлакатларнинг таниқли олимлари ҳам буюк ватандошимиз Али Қушчининг ҳаёти ва фаолияти, математика, география, илми нуҷум, адабиёт, мантиқ, фикҳ, тарих ҳамда тилшуносликка оид асарлари, алломанинг дунё илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида қизиқарли маърузалари билан иштирок этди. Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази экспозициясида ҳам Мирзо Улуғбек астрономия мактаби, Али Қушчи даври, ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ манбалар, тарихий экспонатларни намойиш этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Жаҳон фондларида сақланаётган, ушбу даврга оид тарихий ашёлар ҳақида маълумотлар тўпланмоқда. Жумладан, Британия музейида Мирзо Улуғбекнинг шахсий косаси, Оксфордда Мирзо Улуғбек расадхонасида қўлланган глобус нусхаси сақланаётгани маълум бўлди. Бизнинг доимий ҳамкорларимиздан бири — Истанбул университети профессори Эмек Ушенмез айти пайтда Али Қушчининг ўғли қаламига мансуб, деҳқончилик илмига бағишланган туркий қўлзма топилганини маълум қилди.

Симпозиумда иштирок этган вакилларимиз бугунги кунда Ўзбекистонда барча соҳалар қатори илм-фан, таълим ва маданият соҳаларига, хусусан, маданий меросимизни ўрганиш ва тарғиб қилишга катта эътибор қаратилётгани, икки давлат раҳбарлари етакчилигида дўстона муносабатлар тобора мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлади. Шунингдек, марказимиз фаолияти ҳақидаги хужжатли фильм йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди. Мазрузада Али Қушчининг илмий мероси ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди. Шунингдек, аллома ҳаёти ва фаолияти бўйича Ўзбекистонда ҳам халқаро анжуман ўтказиш лозимлиги таъкидланди.

Туркия Фанлар академияси президенти Музаффар Шекер Ўзбекистонлик меҳмонларга ташриф учун миннатдорлик билдириб, келгусида Турк дунёсининг буюк вакили бўлган Али Қушчи ҳаёти ва меросини ўрганиш юзасидан икки давлат олимлари ўртасида ҳамкорлик қилиш лозимлигини қайд этди.

Халқаро анжуман доирасида Туркия Қўлзмалар бошқармаси ташаббуси билан Али Қушчи ҳамда унинг давrigа оид қўлзмалар кўргазмаси ташкил этилди. Туркия Қўлзмалар бошқармаси бошлиғи Жошқун Йилмаз бизни мазкур кўргазмадаги эллика яқин қўлзма билан таништирди. Бундай кўргазмани Ўзбекистонда ҳам ташкил этиш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Симпозиумдаги қизгин баҳс-мунозараларда ўзбек халқининг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссаси бекиёс экани яна бор тасдиқланди. Вафотидан сўнг орадан беш ярим аср ўтганига қарамай, буюк алломанинг номи, амаллари ва асарлари, кашфиётлари дунё ахлининг эътиборидан тушмай келмоқда. Ана шундай буюк зотларга маънавий ворис эканимиз Турк биримиз учун ҳам гурур бағишлайди, айти дамда зиммамизга улкан масъулият ҳам юклайди.

Мамлакатимиз тарихининг турли давларида жаҳоншумул цивилизациялар, йирик империялар, ҳавас қилса арзигулик шахарлар ва бебаҳо меъморий обидалар вужудга келган. Айниқса, буюк аждодларимиз томонидан яратилган тенгсиз маданий мерос намуналари инсоният тарихида ўчмас из қолдирган. Бу илмий, тарихий ва бадий асарлар бугун дунёнинг турли нуқталарида, хориж тўлаплари, жамғармалари, кутубхона ва музейларида сақланмоқда.



Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ, Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази директори

Бугун барча соҳалар қатори илм-фан, таълим ва маданиятга, хусусан, маданий меросимизни ўрганиш ва тарғиб қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Ана шу мақсадда 2017 йилда Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказини барпо этишга киришилди. Айни пайтда пойтахтимизнинг тарихий мавзесида марказнинг муҳташам биноси қад ростламоқда.

Ушбу марказ Ўзбекистон заминидаги қадимий цивилизациялар, аждодларимизнинг бой ва бетакор мероси, жаҳон тамаддунига қўшган муносиб ҳиссасини кўрсатадиган йирик платформага айланиши кутилмоқда. Бу ерда тарихимиз ва маданиятимизга боғлиқ илмий тадқиқот ишлари олиб борилади. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек,

марказимиз эшиклари биз билан ҳамкорликда ишлашни истаган хорижлик олимлар ва тадқиқотчилар учун ҳамisha очик бўлади. Айни пайтда Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, буюк аждодларимиз яратиб қолдирган илмий ва ижодий асарларни тадқиқ этиш, уларнинг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасини аниқлаш мақсадида марказимиз томонидан қатор тадқиқотлар қилинмоқда, маҳаллий ва хорижлик олимлар иштирокида илмий анжуманлар ўтказилляпти. Шу билан бирга, марказ олимлари хорижда ўтаётган турли конференцияларга ҳам тез-тез таклиф этиляпти.

Жорий йилнинг 18-20 ноябрь кунлари Туркия Фанлар академияси ва бир қанча олий ўқув юртлири ташаббуси билан Истанбулда буюк арбоб ва олим Али Қушчи вафотининг 550 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум ўтказилди. Туркия фанлар академияси президенти Музаффар Шекернинг таклифига биноан бир гуруҳ ўзбекистонлик олимлар сафида мазкур конференцияда иштирок этдик.


Мирзо Улуғбек астрономия мактабининг йирик вакили, буюк ватандошимиз, турк дунёсининг етуқ алломаларидан бири Аллоуддин Али ибн Муҳаммад Қушчи номи дунё илмий жамоатчилигига яхши таниш.

Симпозиум бевосита Али Қушчи вафотининг 550 йиллигига бағишланиши ҳам ўзига хос рамзий маънога эга. Зеро, умрини эзгуликка, илм-маърифатга бағишлаган инсонлар номи асрлар ўтса-да барҳаётдир. Али Қушчи етмиш йиллик ҳаётини илм-фан тараққиёти, миллатнинг билими ва тафаккури юксалтиришга бағишлади. Буюк мутафаккир Мирзо Улуғбек тамал тошини қўйган Самарқанд астрономия мактабин ривожига катта ҳисса қўшди. Самарқанддаги расадхона ва мадрасаларда узоқ йиллар Мирзо Улуғбек билан ёнма-ён фаолият юритди. Математика, география, илми нуҷум, адабиёт, мантиқ, фикҳ, тарих ва тилшуносликка оид йиғирмадан зиёд асар яратди.

Мирзо Улуғбекнинг энг ишончли дўсти ва шогирди сифатида у устозининг



"Зижи Қўрагоний" асарига шарҳ ёзган. Мирзо Улуғбекнинг фожиали ўлимидан сўнг бир муддат Табризда, Оққуёнлилар ҳукмдори Узун Ҳасан саройида яшаган олим 1473 йили усмонийлар ҳукмдори Фотиҳ Султон Меҳметнинг таклифига биноан Истанбулга келган. Султоннинг ўзи унга Аё София масжидини расадхона сифатида топширган.



Аллома умрининг сўнгига қадр усмонийлар саройида фаолият кўрсатиб, илм-фан, ёш авлодга таълим-тарбия бериш билан машғул бўлди. Гарчи улуг мутафаккир умрининг охириг кунларини Самарқанддан йироқда ўтказган бўлса-да, Истанбул учун иккинчи ватан даражасига кўтарилди. Фотиҳ Султон Меҳмет аллома учун барча шароитларни яратиб берди.

Али Қушчи Истанбулда бир йилдан ортироқ вақт давомида яшаб, талабаларга дарс берган. Олимнинг вафотидан сўнг султоннинг фармонида кўра, ҳурмат нуқтаи назаридан уни Истанбулнинг энг кутлуг қадамжоси — Константинополь қамали чоғида шахид бўлган саҳобани киром Абу Айюб Ансорий (р.а.) мақбараси ёнига дафн этилди. Таъбир жоизки, бундай шараф усмонийлар салтанатида камдан кам қилинасан бўлади. Айни пайтда ўнлаб қабрлар орасида биргина Али Қушчи қабри тоғида унинг қисқа ҳаёт йўли олтин ҳарфларда битилган.

Жорий йил сентябрь ойида Туркиядаги қатор илмий-маърифий маъсасаларга сафар чоғида ҳам буюк аллома қабрини зиёрат қилиб қайтган эдик. Симпозиум туғайли яна бир бор Али Қушчининг сўнгги давлари кечган тарихий шаҳарга йўл олдик.

НАРГИЗАНИНГ "УМИД" И ЁШЛАРГА МАЪРИФАТ УЛАШМОҚДА

Иборат



Жийдали қишлоғи Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманидаги сўлим гўшалардан бири. У табиати, дилкаш одамлари билан ажралиб туради. Наргиза Қўшмонова шу қишлоқнинг фаол, бошқаларга ўхшамайдиган ёшларидан. Аслида, у ҳам қишлоқнинг одатий ҳаётига кўникиб, жимгина юрaversа бўлади. Аммо унинг бошқаларга ўхшамаслиги, кўп китоб ўқигани, дунёқараш кенглиги бунга йўл бермайди. Бунда болалар ҳам китоб ўқисин, дунёга теран нигоҳ билан қарашни ўргансин дейди. Қачон қишлоқ одамлари ўзгаради, болалар орасида китобхонлик оммалашади, деган саволга жавобни ўзгалардан эмас, ўзидан излайди. Улар шундай яшаб кўниккан экан, нега мен тенгдошларимни ўзгартира олмаيمان деб ўйлайди. Айни дам бундай ўйлардан доим яхшилик умид қилади. Ана шу умиди бугун амалий қиёфа касб этди.

— Болалигимдан китоб ўқишга қизиқман. Улар энг яқин дўстларим. Бора-бора ўйлай бошладим: "Нема учун фақат мен китоб ўқийман? Нега бошқа қишлоқ одамлари бу неъматдан бебаҳра қолиши керак?" — дейди Наргиза. — Уларни кузата туриб, бир нарсага амин бўлганман. Тирикчилик уларни домига тортиб кетган. Фарзандлари билан деярли иши бўлмайди. Фақат уларнинг қоринини тўқ қилсам бўлди деб ўйлашади. Шу билан умр ўтляпти. Болаларнинг тақдирини эса майда ўлчовлар домида қолиб кетган. Шунини кўп ўйлаб юрдим. Бир кун телевидорда Президентимизнинг: "Мен ҳеч бир ёшнинг эътиборини қолдирмайман", деган гапини эшитдим. Бу сўзлар менга далда бўлди. Шижоат уйғотди. Онам билан маслаҳатлашиб, Ғаллаорол тумани ҳокимлигидан кутубхона очиш учун ёрдам сўрадим. Улар ташаббусимни қўллаб-қувватлади.

Туман мутасаддилари саъй-ҳаракати билан Жийдали маҳалласида "Умид" номли

мўъжазгина кутубхона қурилди. Унда 1000 га яқин китоб бўлиб, нафақат миллий адабиётимиз, балки жаҳон адабиётининг энг сара намуналари мавжуд. Кутубхонадан қишлоқ одамлари ва ёшлари бемалол фойдаланмоқда. — Келгусида Ёшлар ишлари агентлигининг туман бўлими, ёшлар етакчилари ва ҳомийлар билан биргаликда "Умид" кутубхона ёнидан ўқув хонаси қуриб берамиз, — дейди Жийдали маҳалласидаги ёшлар етакчиси Тальят Файзуллаев. Уларомлардан бири "Фикри йўқ одамнинг қиёфаси ҳам бўлмайди. Фикр одамнинг ўзлигини, ўзига хослигини билдириб, мавжудлигини кўрсатиб, талаб қилиб туради. Фикр йўқ жойда оломончилик ва жоҳиллик кучаяди", деганди. Бугун ҳар қандай жамиятнинг фаровон келажагини, соғлом турмуш тарзини белгилаб берадиган йўл

одамларнинг фикрлаш қобилиятини ўстиришдир. Зеро, фикр энг шиддатли қуролдир. Шу бонс, сўнгги йилларда китобхонликка катта эътибор берилмоқда. Биргина "Ўзбекистон — 2030" стратегиясининг асосий мақсадларидан бири ҳам ёшлар орасида китобхонликни тарғиб қилишга қаратилган. Жумладан, ёшлар маънавиятини юксалтириш мақсадида "Ёш китобхон" танловини ўтказилётгани, "Мутулаа" мобил иловаси яратилгани, "Ёш китобхон оила" танловлари ташкил этилгани ҳам қайсибир маънода ёшлар орасида китобга ошно қалблар қўпайишига ҳисса қўшмоқда.

Бундай ишхотлардан ҳақли равишда қувонамиз. Аммо фикрий қарамлик, оломонча кайфият, ўзликдан тоғиш, мақсадсизлик тарғиб этилаётган бир паллада ҳар бир юрдошимиз китобхонлик тарғиботида ўз ҳиссасини қўйиши керак. Бунда ўз "Умид"и билан чекка қишлоқдаги тенгдошларига маърифат улашётган Наргиза Қўшмоновдан ибрат олса арзийди.

Сардор ТОЛИБОВЕВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЕЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODNI SKANER ҚИЛИНГ.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари тахририяти) ДМ МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Колограк" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 4144 41157 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Гуличеҳра Дурдиева Мусахҳис: Шерзод Маҳмулов Дизайнер: Хуршид Абдуллоев Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй